

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг тўртинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, Олий суднинг 2025 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, судлов ҳайъатига ҳисобот даврида жами **1 529** та тафтиш шикоятлари (протести) келиб тушган. Шундан **485** та шикоят қайтарилган, **101** тасини қабул қилиш рад қилинган, **400** тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, **470** таси судлов ҳайъатига ўтказилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ шикоятлар сони **73** тани ташкил этади.

Тафтиш инстанциясининг 2024 йил тўртинчи чорагидаги иш фаолияти таҳлиллари



Судлов ҳайъати томонидан жами **426** та тафтиш шикоятлари (протести) кўриб чиқилган. Шундан **229** таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, **30** таси бўйича суд ҳужжати ўзгартирилган, **136** таси бекор

қилинган, **28** та шикоят бўйича иш юритиш тугатилган, **3** та шикоят кўрмасдан қолдирилган. Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ ишлар сони **44** тани ташкил этган.


Бекор қилинган суд ҳужжатларининг таҳлили қуйидагича: ишларнинг **34** таси қуйи инстанция судларига янгидан кўриш учун юборилган, **95** таси бўйича янги қарор қабул қилинган, **7** таси бўйича аввал қабул қилинган Қашқадарё (**2**), Андижон (**1**), Бухоро (**1**), Тошкент вилояти (**1**), Фарғона (**1**), Хоразм (**1**) судларининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.



Ушбу статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қуйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўриб чиқилган жами ишларнинг ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари қуйидагича: Тошкент шаҳрининг **143** та, Тошкент вилоятининг **55** та, Қашқадарё вилоятининг **36** та, Хоразм вилоятининг **28** та, Самарқанд вилоятининг **27** та, Бухоро вилоятининг **21** та, Жиззах вилоятининг **20** та, Андижон ва Фарғона вилоятларининг **19** тадан, Наманган ва Сурхондарё вилоятларининг **14** тадан, Навоий вилоятининг **13** та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятининг **7** тадан, Олий суднинг **3** та суд ҳужжатига нисбатан берилган тафтиш шикоятлари кўриб чиқилган.

КЎРИЛГАН ИШЛАРНИНГ ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛИ



Ишларни биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси судларида кўришда айрим ҳолларда моддий (қўлланилиши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатининг қўлланилмаганлиги, қонунчилик ҳужжатининг нотўғри қўлланилганлиги) ва процессуал (ишлар билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги) ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли тафтиш инстанцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган.

Тафтиш инстанцияси суди томонидан суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳолатлари ҳудудлар кесими бўйича кўрсаткичлари Тошкент шаҳрининг 41 та, Тошкент 26 та, Қашқадарё 18 та, Хоразм 14 та, Фарғона ва Самарқанд 12 тадан, Андижон, Бухоро, Навоий ва Жиззахда 7 тадан, Сурхондарё ва Наманганда 5 тадан, Олий судда 3 та, Қорақалпоғистон Республикасида 2 таданни ташкил этган.

Суд амалиёти обзори натижалари **Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари** ҳамда ушбу ҳудудлардаги туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлар томонидан биринчи, апелляция ёки кассация, тафтиш инстанцияси сифатида ишларни кўришда айрим ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), ИПК ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг нотўғри қўлланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий ҳўжалик суди Пленуми қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик натижасида йўл қўйилганлигини кўрсатди.

Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш ҳамда юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш тўғрисидаги низолар корпоратив низо ҳисобланиб иқтисодий суд судловига тааллуқлидир.

Даъвогар фуқаро К.Ф.М жавобгарлар “А” МЧЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва “А” МЧЖ иштирокчиси фуқаро Б.У.га нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 1-сонли савдо дўконида ўтказилган 1994 йил 26 ноябрдаги йиғилиш баённомасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2023 йил 12 апрелдаги ажрими билан даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 7 июндаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Навоий вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 19 мартдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2023 йил 12 апрелдаги ажрими ҳамда апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 7 июндаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, 1994 йил 26 ноябрь куни даъвогар акциядор бўлган “Б” савдо ишлаб-чиқариш ҳиссадорлик жамияти мулки асосида, яъни савдо дўконлари, шу жумладан, даъвогар даъво қилган дўкон бирлаштириш йўли билан “Г” номи билан юритилувчи МЧЖни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди низолашаётган йиғилиш баённомаси юридик шахс бошқарув органининг қарори эканлигига эътибор қаратмасдан, мазкур низо корпоратив низо эмас ҳамда ушбу низо иқтисодий судларга тааллуқли эмас деб ҳисоблаб, ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 1-бандини қўллаган ҳолда иқтисодий иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида нотўғри хулосага келган.

1994 йил 26 ноябрь куни ўтказилган йиғилишда қабул қилинган қарор юридик шахс бошқарув органининг қарори ҳисобланади.

ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг 1-банди (юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш) ҳамда 7-банди (юридик шахс бошқарув органларининг қарорлари устидан шикоят қилиш) тўғрисидаги низо корпоратив низо ҳисобланади.

ИПК 324¹¹-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига кўра, тафтиш инстанцияси суди ажрим, қарор устидан берилган тафтиш шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ажримни, қарорни бекор қилишга ҳамда даъво аризасини ва ишни кўриш учун тегишли инстанция судига юборишга ҳақли.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 24 октябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими, апелляция ва тафтиш инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

4-1401-2104/473-сонли иш

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги, суд ҳужжатини бекор бўлишига асос бўлади.

Даъвогар “А” МЧЖ жавобгар Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ва кўшимча жавобгар Самарқанд шаҳар Нурунийлар ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2020 йил 26 октябрда тузилган 11-01/11-сонли битимни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг 2023 йил 1 декабрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг 2024 йил 17 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 14 августдаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган битимнинг 1.1.-бандида жавобгар даъвогарга Самарқанд шаҳар “Саттепо” маскани 185-уй манзилида жойлашган беш қаватли турар-жой биноси ёнида умумий майдони 600,0 кв.м. бўш ер участкасини таркибида маҳалла фуқаролар йиғини маркази биноси бўлган, 5 қаватли турар-жой биносини қуриш учун Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан тўғридан-тўғри ҳақ ундирмасдан ажратилиши белгиланган.

Битимнинг 1.2.-бандига кўра, даъвогар ушбу ажратилган ер участкасида ўз маблағлари ҳисобидан (давлат бюджети маблағларидан ташқари, қонунчиликда тақиқланмаган манбалар ҳисобидан) битта 5 қаватли турар-жой

биносини куриб, курилган турар-жой биноси таркибидан умумий майдони 175,0 кв.м. бўлган маҳалла фуқаролар йиғини маркази биносини Самарқанд шаҳар ҳокимлиги балансига юқори даражадаги сифат билан таъмирлаб, фойдаланишга тайёр ҳолда ушбу битимда белгиланган муддатда (бепул) топширади.

Ушбу битим асосида жавобгар томонидан 2020 йил 29 октябрда 668-Қ-сонли қарор қабул қилинган. Мазкур қарор билан шаҳар ҳокимлиги ер комиссиясининг 2020 йил 23 сентябрдаги 76-сонли “Қурилиш учун танланган ер майдони далолатномаси” тасдиқланган ва даъвогарга маҳалла фуқаролар йиғини маркази биносини куриш учун 600 кв.м. ер майдони ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 8 сентябрдаги қарори билан жавобгарнинг 2020 йил 29 октябрдаги 668-Қ-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган (5-1401-2103/277-сонли маъмурий иш).

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди томонидан маъмурий суднинг қарори билан жавобгарнинг 2020 йил 29 октябрдаги 668-Қ-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилганлиги, битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмаслиги ҳақида хулосага келиниб даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг хулосаси ушбу битимда кўрсатилган ҳудуддан даъвогарга ер майдони ажратиш қонуний эканлигини англатади. Бироқ, маъмурий суднинг юқоридаги иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларида даъвогарга ажратилган ер майдони хусусий корхонага тегишли эканлиги қайд этилган. Ушбу ҳолатлар суд ҳужжати хусусий корхонанинг ҳуқуқларига дахл қилишидан далолат беради.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 3-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 324⁷-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 21 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Даъвогар “R” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “M” МЧЖга нисбатан ўз ҳисобидан “YANTASOL” товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларига эга бўлган “MER YANTAR-SOL” товар белгисини сотувдан олиш ва йўқ қилиш йўли билан контрафакт товарларни, этикетка, қадоғини йўқ қилиш, “MER YANTAR-SOL” товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, савдога таклиф қилиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлашни тақиқлашни сўраган.

Наманган туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 5 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган.

Наманган вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 25 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Фарғона вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 26 июндаги қарори билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2017 йил 8 июнда “I” МЧЖга “YANTASOL/ЯНТАСОЛ” товар белгиси учун MGU 33142 рақамли гувоҳнома берилган. Сўнг “I” МЧЖ номи даъвогар “R” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси ўзгартирилган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2018 йил 16 августда MGU 33142 гувоҳнома эгаси даъвогар “R” МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси этиб қайта ўзгартирилган.

Наманган туманлараро иқтисодий суди даъво аризасини қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан “YANTASOL” товар белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгиларига эга бўлган “MER YANTAR-SOL” товар белгисини сотувдан олиш йўли билан этикеткаси, товар қадоғи йўқ қилиниши, жавобгарга нисбатан “MER YANTAR-SOL” товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлашни тақиқланиши ҳақида қарор қабул қилган.

Даъвогарнинг даъво талабида “MER YANTAR-SOL” товар белгиси билан боғлиқ контрафакт товарларни йўқ қилиш талаби ҳам қўйилган, бироқ биринчи инстанция суди мазкур даъво талабини муҳокама қилмасдан процессуал қонун нормаларини бузиб, билдирилган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмаган.

ИПК 302-моддаси бешинчи қисмининг 6-бандига кўра, билдирилган талаб бўйича суд ҳал қилув қарори қабул қилмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

ИПК 324⁷-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, ушбу Кодекс 302-моддаси бешинчи қисмининг 3 ва 6-бандларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юборишга ҳақли.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 6 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

4-1601-2401/4-сонли иш

Даъво аризаси имзоланган ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Даъвогар “А” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” хусусий корхонасидан 21 080 530 сўм асосий қарз, 10 540 265 сўм пеня, 7 000 000 сўм бой берилган фойдани ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 20 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 1 августдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 20 июндаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, жавобгар томонидан ижара тўловлари амалга оширилмаганлиги боис, даъвогар жавобгарга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

ИПК 149-моддасининг биринчи қисмига кўра, даъво аризаси судга ёзма шаклда берилади. У даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

ИПКнинг 63-моддасига кўра, судда иш юритиш ваколатлари вакилга уни вакил қилган шахс номидан барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради, бундан даъво аризасини имзоланган, ишни ҳакамлик судига топшириш, даъво талабларидан қисман ёки бутунлай воз кечиш ва даъвони тан олиш, даъво предметини ёки асосини ўзгартириш, келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишувни тузиш, ваколатларни бошқа шахсга топшириш (ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, қонуний кучга кирган суд

хужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш, ундирилган мол-мулкни ёки пулни олиш мустасно.

Вакилнинг ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатларнинг ҳар бирини амалга оширишга бўлган ваколатлари у қайси шахс томонидан вакил қилинаётган бўлса, ўша шахс берган ишончномада махсус назарда тутилган бўлиши керак.

Даъво аризасининг имзолаш қисмида даъвогар раҳбарининг фамилияси кўрсатилган бўлса-да, даъвогар раҳбари ўрнига фуқаро А.Д томонидан имзоланган.

Ишда даъвогар вакили фуқаро А.Д даъвогар номидан даъво аризасини имзолаш процессуал ҳаракатини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ишончнома мавжуд бўлмаган.

Демак, даъво аризаси даъвогар раҳбари томонидан эмас, балки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган, мансаб мавқеи ҳамда фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган.

ИПК 107-моддасининг 3-бандига кўра, агар даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдириши белгиланган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 13 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

4-1001-2404/9272-сонли иш

Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Даъвогар “А” МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” МЧЖдан 792 750 000 сўм асосий қарз ва 158 550 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси судининг 2024 йил 23 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 18 сентябрдаги қарори билан кассация инстанцияси судининг 2024 йил 23 июлдаги қарори ўзгартирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2023 йил 9 январда US09012023-1-сонли автомобиль олди-сотди шартномаси тузилган.

Унга кўра, жавобгар даъвогарга “BYD Tang 4WD” русумли, қиймати 792 750 000 сўмлик автотранспорт воситасини мулк қилиб топшириш, сотиб олувчи эса уни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан шартнома асосида 2023 йил 10 январдаги тўлов топшириқномаларига асосан жами 792 750 000 сўм жавобгарнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган.

“BYD Tang 4WD” русумли автотранспорт воситаси 2023 йил 10 январдаги 1-сонли ҳисобварақ-фактурага асосан даъвогарга топширилган.

Мазкур автотранспорт воситасидан даъвогар томонидан фойдаланилиши жараёнида унинг батарея қисмида носозлик аниқланган. Шунинг учун транспорт воситаси 2023 йил 3 августда таъмирлаш учун жавобгарга топширилган.

Тафтиш инстанцияси суди ўзининг қарорида сотиб олувчи тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақидаги хулосасини асослашда қўлланилиши мумкин бўлмаган қонунчилик ҳужжатини қўллаган. Яъни, тарафлар ўртасидаги фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар (мажбуриятлар) олди-сотди шартномасидан келиб чиққан бўлсада, ФКнинг маҳсулот етказиб беришга оид нормаси (453-моддаси)ни қўллаган.

ФКнинг 403-моддасига кўра, сотувчи сотиб олувчига топшириши лозим бўлган товар уни сотиб олувчига топшириш пайтида ушбу Кодекснинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга, агар товарнинг ушбу талабларга мувофиқлигини аниқлашнинг бошқа пайти олди-сотди шартномасида назарда тутилган бўлмаса, жавоб бериши ва оқилона муддат давомида белгиланган мақсадлар учун яроқли бўлиши керак.

ФК 434-моддасининг биринчи қисмига кўра, сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Кодекс 385-моддасининг тўртинчи қисмига биноан, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгилаб кўйилган бўлмаса, тарафлар шартнома ўзгартирилгунча ёки бекор қилингунча мажбурият бўйича ўзлари бажарган нарсаларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли эмаслар.

Демак, қайд этилганларга биноан сотиб олинган автотранспорт воситасида носозлик юзага келганлиги боис тарафлар ўртасида тузилган шартнома бекор қилинмасдан туриб даъвогар тўлаган пул маблағини қайтаришга ҳақли эмаслиги сабабли ФКнинг 434-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин бўлган.

Қолаверса, даъвогар даъво аризасида жавобгардан 792 750 000 сўм асосий қарз ва 158 550 000 сўм пеня ундиришга асос қилиб, жавобгар транспорт воситасининг камчиликларини олди-сотди шартномасининг 2.10-бандига кўра, 10 кунлик муддатда бартараф этмаганлигини кўрсатган.

Ваҳоланки, олди-сотди шартномасининг 2.10-бандида, шартноманинг 2.16-бандида кўрсатилган кафолат муддати давомида автомобилни лозим даражада эксплуатация қилишга монелик қилувчи яширин нуқсонлари аниқланган тақдирда, сотувчи кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига мувофиқ автомобилни таъмирлашга мажбурлиги, таъмирлаш ишлари мумкин қадар қисқа вақт ичида (сотувчи ёки ишлаб чиқарувчининг омборида эҳтиёт қисмлари мавжудлигига қараб), аммо сотиб олувчидан тегишли талабни олганидан бошлаб 10 иш кунидан кам бўлмаган муддатда, агар сотувчининг ваколатли вакили томонидан автомобилда завод нуқсони мавжудлигини тасдиқловчи жорий носозлик аниқланган тақдирда амалга оширилиши белгиланган. Бунда фақат носоз қисм таъмирланиши ва (ёки) алмаштирилиши, автомобиль алмаштирилмаслиги кўрсатилган.

Аммо, олди-сотди шартномасида қанча муддатда таъмирлаш ишлари амалга оширилиши (яқунланиши) лозимлиги келишилмаган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Бундан кўринадики, даъвогар шартнома шартларини нотўғри талқин қилган. Аксинча, транспорт воситасининг нуқсонларини 10 кунлик муддатда бартараф этилиши лозимлиги шартноманинг бошқа шартларида ҳам назарда тутилмаган.

Қайд этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатининг 2024 йил 17 декабрдаги қарори билан тафтиш инстанцияси судининг қарорини бекор қилиниб, кассация инстанцияси судининг қарорини ўз кучида қолдирилган.

4-1001-2320/58419-сонли иш

Агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис хужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёинки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Даъвогар “А” МЧЖ жавобгарлар “Б” АЖ, “С” МЧЖ ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланувчи Р.Ф.П.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар, жавобгар ва “С” МЧЖ ўртасида 2022 йил 27 октябрда тузилган нотариус Р.Ф.П томонидан 2022-02330006788-сонли реестр рақами билан тасдиқланган ипотека шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2024 йил 1 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 5 июндаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 29 июлдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, жавобгар ва “С” МЧЖ ўртасида 2022 йил 19 сентябрда 24/22-сонли кредит шартномаси тузилган. Кредит шартномасига асосан жавобгар томонидан “С” МЧЖ га йиллик 26 фоиз устама ҳақ тўлаш шarti билан 18 ой муддатга 3 000 000 000 сўм кредит маблағлари ажратилган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида даъвогар, жавобгар ва “С” МЧЖ ўртасида нотариал тартибда расмийлаштирилган 2022 йил 27 октябрдаги ипотека шартномасига асосан даъвогарга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 30-мавзеда жойлашган кадастр рақами 10:01:08:02:02:0111 бўлган, 2022 йил 19 сентябрдаги гаров предметининг нархини келишиш тўғрисидаги 1-сонли далолатномага асосан 3 700 000 000 сўмга баҳоланган кўчмас мулк гаровга қўйилган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2308/19624-сонли иши бўйича 2023 йил 15 майдаги ҳал қилув қарорига асосан палатанинг жавобгар манфаатида “С” МЧЖ ва даъвогарга нисбатан даъво аризаси қаноатлантирилиб, “С” МЧЖдан жавобгар фойдасига жами 3 099 666 666,67 сўм кредит маблағлари ундирилган ва ундирув даъвогарга тегиши бўлган гаров мулкига қаратилган.

Кейинчалик, даъвогар Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2022 йил 27 октябрда тузилган 2022-02330006788-сонли реестр рақами билан тасдиқланган ипотека шартномасини ФКнинг 123-моддасига асосан ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилишда тарафлар ўртасида 2022 йил 27 октябрдаги ипотека шартномаси ихтиёрий тузилганлиги, бунда даъвогар раҳбари мол-мулки жавобгар томонидан “С” МЧЖга ажратилаётган кредит маблағлари учун кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида гаровга қўйилаётганлигини англаганлиги ва бунга розилик билдирганлигига эътибор қаратилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2023 йил 7 декабрдаги ҳукмида Ш.Н.А “С” МЧЖнинг норасмий раҳбари сифатида 2022 йил 19 сентябрда “С” МЧЖ ва жавобгар ўртасида тузилган 34/22-сонли кредит шартномаси асосида маиший техникаларни сотиб олиш юзасидан 3 000 000 000 сўм миқдоридаги кредит маблағларини олиш мақсадида даъвогарнинг раҳбари Б.Н.га турли ваъдалар бериб, унинг ишончини суиистеъмол қилиб, даъвогар балансида бўлган Учтепа тумани 30-дахаси 42-уй манзилида жойлашган бино-иншоотни 350 000 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари эвазига сотиб олиш ниятида, ушбу бино-иншоотни банкнинг кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида гаровга қўйилишига эришиб, кредит маблағларини олиш учун бизнес режа тузиб, унга сохта маълумотларни киритиб, аслида кредит маблағларини ўзлаштиришни режалаштирганлиги ҳолатлари баён этилган бўлса-да, мазкур жиноят ишида даъвогар раҳбари жабрланувчи ҳисобланмайди.

Мазкур ҳолатда “С” МЧЖнинг норасмий раҳбари Ш.Н.А даъвогар раҳбари Б.Н.ни гаровга қўйилган мулкни кейинчалик ажратиладиган кредит маблағи ҳисобига сотиб олиш ҳақида алдаган бўлса-да, даъвогар раҳбари

мулки гаровга қўйилаётганлигини, кредит маблағлари шартномада кўрсатилган муддатларда қайтарилмаса, кредит қарзи ундируви гаровдаги мулкка қаратилиши мумкинлигини билган.

ФКнинг 123-моддаси биринчи қисмида алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги қайд этилган.

Қолаверса, суд ҳукмида ипотека шартномаси тузилган вақтда “С” МЧЖ норасмий раҳбари Ш.Н.А ва даъвогар раҳбари Б.Н. ўртасида гаровга қўйилаётган мулкни олди-сотди қилиш юзасидан келишилганлигини жавобгар билганлиги ёки унинг хабари бўлганлиги қайд этилмаган.

ФКнинг 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳужжатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнги битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бирок, иш ҳужжатларида жавобгар даъвогар ҳамда “С” МЧЖ ўртасидаги келишув ҳақида билган ёки билиши лозим бўлганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Шунга кўра, қуйи инстанция судлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 4 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

4-1001-2401/6087-сонли иш

Муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Даъвогар “А” МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” МЧЖдан 174 002 800,82 сўм қарзни ундиришни сўраган.

Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қаноатлантирилган.

Хоразм вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 4 январдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Хоразм вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 26 апрелдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2024 йил 4 январдаги қарори бекор қилинган, биринчи инстанция судининг 2023 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар Урганч туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 6 мартдаги ҳал қилув қарори билан тўловга қобилиятсиз деб топилган (соддалаштирилган таомилга кўра), даъвогарга нисбатан тугатишга доир иш юритиш очилган. Тугатиш бошқарувчиси этиб суд бошқарувчиси Д.У тайинланган.

Даъвогарнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан даъвогардан жавобгар 2022 йил 10 январдаги 12-П-сонли шартномага асосан 437 947 927,98 сўмлик маҳсулотни сотиб олганлиги ҳамда бу тўғрисида электрон ҳисобварак фактуралар имзоланганлиги, ушбу сотиб олинган маҳсулотлар учун 263 945 127,16 сўм пул ўтказиб қолган 174 002 800,02 сўм тўлаб берилмаганлиги аниқланган.

ФКнинг 234-моддасига кўра, мажбурият-фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида 2021 йил 25 ноябрда 12-П-сонли шартнома тузилиб, шартномага асосан маҳсулот етказиб берувчи ҳар бирининг баҳоси 54 743 491 сўм бўлган 3 дона “Прицеп 2ПТС-793А-07А” ни сотиб олувчига етказиб берган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида 2022 йил 10 январь куни 12-П-сонли шартнома тузилиб, даъвогар ҳар бирининг баҳоси 54 743 491 сўм бўлган 10 дона “Прицеп 2ПТС-793А-07А” ни жами 547 734 910 сўмга сотиб олувчига етказиб берган.

Жавобгар даъвогарнинг ҳисоб рақамига 263 945 127 сўм пул маблағини ўтказиб берган. Ушбу шартномалар бўйича жавобгарнинг даъвогар олдида 447 720 255 сўм миқдориди қарзи юзага келган.

Ўз навбатида, жавобгар ва даъвогар ўртасида 2021 йил 25 ноябрдаги 12-сонли шартномага асосан ҳар бир литрининг баҳоси 17 500 сўм бўлган 6 256 кг пахта ёғини 109 480 000 сўмга, 2022 йил 6 январдаги 1-сонли шартномага асосан ҳар бир литрининг баҳоси 17500 сўм бўлган 12 514 кг пахта ёғини 218 995 000 сўмга, 2022 йил 6 январдаги 2-сонли шартномага асосан ҳар бир литрининг баҳоси 17500 сўм бўлган 6 814 кг пахта ёғини 119 245 000 сўмга етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган.

Мазкур шартномаларга асосан жавобгар даъвогарга 25 584 кг миқдориди 447 720 255 сўмлик пахта ёғи етказиб берган ва тарафлар ўртасида электрон шаклда ҳисобварақ-фактуралар расмийлаштирилган. Ушбу шартномалар бўйича даъвогар томонидан тўлов амалга оширилмаганлиги натижасида даъвогарнинг жавобгар олдида 447 720 255 сўм қарзи юзага келган.

Тарафлар ўртасида юзага келган қарздорликни ФКнинг 343-моддасига асосан ҳисобга ўтказиш бўйича 2022 йил 31 март куни келишув шартномаси тузилиб, даъвогарнинг жавобгардан 447 720 255 сўм, жавобгарнинг даъвогардан 447 720 255 сўм қарзлари ўзаро ҳисобга ўтказилган.

ФКнинг 343-моддасига кўра, муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобга ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлади.

Ҳисобга ўтказиш учун бир тарафнинг аризаси кифоя қилади.

ФК 344-моддасига кўра, қуйидаги талабларни ҳисобга ўтказишга йўл қўйилмайди:

даъво муддати ўтган талабларни;

фуқаронинг соғлигига шикаст етиши ёки унинг вафоти муносабати билан етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабини;

алиментлар ундириш ҳақидаги талабни;

умрбод асраш шarti билан уй-жойни бошқа шахсга топшириш талабини; қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳоллардаги талабни.

Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида қарзларни ўзаро ҳисобга ўтказиш қонунчиликка зид эмаслиги, қарздорлик ФК 344-моддасида кўрсатилган талаблар тоифасига кирмаслиги сабабли, уларнинг қарз мажбуриятлари тўлиқ бекор бўлган ҳисобланади.

Бироқ, низони ҳал этишда биринчи ҳамда тафтиш инстанцияси судлари далилларга тўғри ҳуқуқий баҳо бермасдан, иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, суд қарорлари қабул қилган. Жумладан, муддати тўлган ёки муддати кўрсатилмаган ёхуд талаб қилиш пайти билан белгиланган муқобил ўхшаш талаб ҳисобига ўтказилиши билан мажбурият тўлиқ ёки қисман бекор бўлишининг зарурий шarti талабларнинг нарсаси бир хил турдаги ашёлар бўлиши лозимлиги, тарафлар ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатининг вужудга келишига асос бўлган шартномаларнинг нарсаси бир хил турдаги

ашёлар ҳисобланмаслиги тўғрисидаги хулосаси асосиз, чунки ФКнинг 343-моддасида талабларнинг нарчаси бил хил турдаги ашёлар бўлиши лозимлиги тўғрисида талаб мавжуд эмас.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 4 декабрдаги қарори билан тафтиш инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарори ўз кучида қолдирилган.

4-2201-2301/3415-сонли иш

Акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

Даъвогар фуқаро Ш.Р.К. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” АЖ зиммасига жамиятининг даъвогарга тегишли 186 115 дона акцияларни қарор чиқарган кундаги бозор нархида сотиб олиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 27 сентябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво аризасини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 23 июлдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 27 сентябрдаги қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, жамият акциядорларининг 2023 йил 19 январдаги умумий йиғилишида кунгабоқар мойини импорт қилиш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 4 фоизли имтиёзли ставкада 12 ой муддатга 6,5 млн АҚШ доллари миқдорига кредит олиниши бўйича тузиладиган йирик битимини тасдиқлаш ҳамда кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида жамият мулкларини гаровга қўйиш масаласи юзасидан даъвогар вакили фуқаро У.Қ томонидан қарши овоз билдирилган.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилган кун, яъни 2023 йил 19 январда, даъвогар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади)нинг 41-моддасига мувофиқ, ўзига тегишли 186 115 дона оддий акцияларнинг ҳаммасини жамият томонидан қайтариб сотиб олиши тўғрисидаги ёзма талабномани ўзининг ишончли вакили фуқаро У.Қ орқали жамиятга расман топширган.

Жавобгар Қонунда белгиланган муддатда даъвогарга тегишли 186 115 донга акцияларни қайтариб сотиб олмаган.

Шунинг учун даъвогар жамиятнинг даъвогарга тегишли 186 115 дона акцияларни қарор чиқарган кундаги бозор нархида сотиб олиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилган.

Каттақўрғон туманлараро иқтисодий суди иш учун аҳамиятли ҳолатларни тўлиқ аниқламасдан, хусусан даъвогар жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатида мавжудлиги, даъвогарда акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, жамият акциядорларининг 2023 йил 19 январдаги навбатдан ташқари йиғилишида банкдан 6,5 млн АҚШ доллари миқдорида кредит олиш бўйича йирик битим тузиш масаласи кўриб чиқилганлиги, йиғилишда даъвогар номидан унинг ишончли вакили ҳисобланган У.Қ иштирок этиб, банкдан кредит олиш бўйича йирик битим тузиш масаласига “қарши” овоз берганлиги, йиғилиш ўтказилган куннинг ўзида даъвогарга тегишли бўлган 186 115 дона оддий акцияларнинг ҳаммасини жамият томонидан қайтариб сотиб олиш тўғрисида ёзма талабнома У.Қ томонидан жамиятга топширилганлиги ҳолати инобатга олинмаган.

Ваҳоланки, Қонуннинг 40-моддасига кўра, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Шунингдек, Қонун 41-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, акциядорларнинг ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши керак. Мазкур муддат тугаганидан сўнг жамият қайтариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни ўн кун ичида қайтариб сотиб олиши шарт.

Қайд этилганларга кўра, Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суди томонидан даъвогар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядор ҳисобланиши, унда акцияларни жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлиги, акциядорларнинг умумий йиғилишида унинг номидан иштирок этган вакил қўйилган масалалар бўйича “қарши” овоз берганлиги, қолаверса ўзига тегишли бўлган 186 115 дона оддий акцияларнинг ҳаммасини жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисида ёзма талабнома Қонунда белгиланган муддатда жамиятга топширилганлиги инobatга олиниб, Қонуннинг 40, 84-моддаларининг талабларига мувофиқ, умумий йиғилиш ўтказилган санада, яъни 2023 йил 19 январда “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий сайтидан олинган маълумотга кўра, бир дона акциясининг бозор баҳоси 7 800 сўмни ташкил этилганлигидан келиб чиқиб, жавобгарнинг зиммасига даъвогарнинг акцияларни 1 451 697 000 сўмлик қийматда сотиб олиш мажбуриятини юклаш ҳақида қонуний тўхтамга келган.

Самарқанд вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси суди эса акциядорларнинг 2023 йил 19 январдаги умумий йиғилиши қарори билан тузишга розилик берилган 6,5 млн АҚШ доллари миқдорида кредит олиш бўйича йирик битим амалда тузилмаганлиги, акцияларни қайтариб сотиб олиш талабини қўйишга айнан ушбу қарор асос бўлганлиги, акциядорлар умумий йиғилиши қарори ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаганлигини асос қилиб, иш учун муҳим аҳамият касб этувчи бундай ҳолатда – даъвогарнинг қонуний ҳуқуқларини бузилишига, моддий манфаатларига жуда кўп миқдорда молиявий зарар етказилган деб ҳисоблашга асослар мавжуд эмаслиги ҳақида хулосага келиб, апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилинган.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 28 ноябрдаги қарори билан тафтиш инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарори ўз кучида қолдирилган.

4-1402-2302/1048-сонли иш

Мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

Даъвогар МЧЖ шаклидаги “А” хорижий корхонасининг тугатиш бошқарувчиси судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Б” МЧЖдан 140 148 кг пахта толасини ундиришни сўраган.

Зомин туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Жиззах вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 11 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг 2023 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қисман қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Жиззах вилоят суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси судининг 2024 йил 19 июндаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 11 июлдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2020 йил 13 мартда Д-17-сонли ишлаб чиқариш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисида шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузилган.

Шартноманинг 2.1, 2.2-бандларида шартнома тарафлари юридик шахс ташкил этмасдан ўзаро ҳамкорликда ишлар олиб бориш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш йўли билан фойда кўриш, шартнома бўйича томонлар пахта трикотажи ипи № 30/1-ОЕ маркали ёки келишилган ҳолда бошқа ўлчам ва турдаги маҳсулотларни пневмомеханик йиғириш усулидаги 100 фоиз пахта бўз ишларини ишлаб чиқариш ва сотиш орқали фойда олиш мақсадида юридик шахс ташкил этмасдан биргаликда фаолият олиб боришга ҳамда тарафлар ўзларининг мол-мулклари ва пул маблағларини кўшиш йўли билан фаолиятини амалга ошириш, ўзаро молиявий ёрдам кўрсатиш, хизмат кўрсатиш мажбуриятини олиши, томонлар мол-мулк, маблағ ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали биргаликда ҳаракат қилиш, шунингдек бир-бирига ҳар қандай молиявий, технологик ёки ташкилий ёрдам кўрсатишга келишилган.

Шартноманинг 5.1.1-бандида даъвогарга ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 (йигирма) банк иш куни ичида жавобгарга ҳар бир келишилган жўнатма учун 300 (уч юз) тоннадан ортиқ бўлмаган миқдорда тегишли тартибда сотиб олинган хом ашё билан таъминлаш, хом ашёни етказиб бериш ва қабул қилиш томонлар ва ҳар икки томоннинг ваколатли вакиллари томонидан жавобгарнинг ҳудудида хом ашёнинг ҳар бир партияси учун сифат сертификати тақдим этилган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур шартноманинг 9.1.1-бандига кўра, даъвогарнинг ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлашдаги улуши жавобгарга тақдим этилган хом ашё (пахта) ҳажмининг қатъий 70 фоизини ташкил этиши, шартноманинг 9.1.2-бандига биноан жавобгарнинг ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлашдаги улуши даъвогардан олинган хом ашё (пахта толаси) ҳажмининг 30 фоизи миқдорида белгиланган.

ФКнинг 631-моддасига кўра, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонунчиликда ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Даъвогарнинг даъво аризасида 2020 йил 13 мартдаги Д-17-сонли шартнома бўйича жавобгарга 282 671,40 кг пахта толаси қайта ишлаш учун етказиб берилганлиги, жавобгар 197 870 кг тайёр маҳсулотни етказиб бериш ўрнига 99 766,10 кг тайёр маҳсулот етказиб берилганлиги, жавобгар томонидан 98 103,60 кг тайёр маҳсулот етказиб берилмаганлиги оқибатида жавобгарнинг даъвогар олдида 140 148 кг пахта толасини натура шаклида қайтариш мажбурияти юзага келганлиги баён қилинган.

ФКнинг 341-моддасига кўра, мажбурият, қоида тариқасида, унинг лозим даражада бажарилиши билан бекор бўлади.

2020 йил 13 мартдаги шартнома бўйича даъвогар томонидан жавобгарнинг омборига 282 671,40 кг пахта хом ашёси келтирилган бўлиб, жавобгар томонидан “Пряжа х/б НЕ30/1 ОЕ” калава ип маҳсулоти ишлаб чиқарилган ҳамда даъвогар томонидан 197 869,7 кг калава ип маҳсулоти олиб кетилган. Яъни, жавобгар томонидан мажбурият бажарилган. Бу ишдаги далолатнома билан тўлиқ тасдиқланган.

Бундан ташқари, Жиззах вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси ЎМИБ терговчиси полковник С.Б.нинг 2024 йил 2 сентябрдаги қарори билан тарафлар ўртасидаги Д-17-сонли шартнома юзасидан 2020 йил 23 июнда тузилган 197 869,98 кг ип калава маҳсулотини қабул қилиш ва топшириш тўғрисидаги 1-сонли далолатнома фуқаро И.М ёки бошқа шахслар томонидан сохталаштирилмаганлиги, мазкур ҳолатда Д-17-сонли шартнома юзасидан 2020 йил 23 июнь санаси билан расмийлаштирилган ип калава маҳсулотини қабул қилиш ва топшириш тўғрисидаги 1-сонли далолатнома юзасидан фуқаро И.Мнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги, бундан ташқари 2020 йил 13 мартдаги Д-17-сонли ва 2020 йил 6 апрелдаги Д-19-сонли ишлаб чиқариш ва биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар юзасидан жавобгар томонидан тайёр ип калава маҳсулотлари даъвогарга тўлиқ етказиб берилганлиги аниқланган ҳамда жавобгарнинг собиқ раҳбарлари фуқаролар А.Ё, М.М ва бошқаларнинг ҳаракатларида ЖКнинг 167-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли, жиноят иши ҳаракатдан тугатилган.

Демак, апелляция ҳамда тафтиш инстанция судлари ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантириш тўғрисида нотўғри ҳулосага келган.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2024 йил 13 ноябрдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг ҳамда тафтиш инстанцияси судининг қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 2023 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирилган.

4-1303-2301/768-сонли иш

**Иқтисодий ишлар бўйича
судлов ҳайъати**